

Г.Ш. Яминова,
катта ўқитувчи,
ТДИУ

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш орқали ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республикамизнинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солувчи "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонун ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу қонунларни қабул қилиш, талабларга мос равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб боришнинг сабаби битта - қаерда имтиёз, қаерда шароит бўлса, қонуний кафолат бериладиган бўлса, шу ёққа инвестиция келади.

Хорижий инвестициялар чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлақ бошқа давлат иқтисодиётининг, қонун билан тақиқланмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликларидир. Чет эл инвестициялари ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради. Улар миллий иқтисодиётга четдан, уларнинг келишини рағбатлантирган ҳолда жалб қилинади. Лекин чет эл капиталини жалб қилишнинг ҳамма шакллари ҳам молиялаштиришнинг ташқи манбаи бўлмаслиги мумкин. Бу, биринчи навбатда, фоиз тўловлари билан қайтаришни талаб этадиган чет эл кредитлари ва қарзларига тааллуқли. Чунки, чет эл кредитлари ва халқаро молия институтлари қарзлари маълум вақт ўтгач асосий қарз билан бирга белгиланган фоизларининг қайтарилишини талаб этади. Четдан жалб этиладиган хорижий инвестициялар билан чет элдан киритиладиган кредитларнинг ўзига хос фарқлари мавжуддир. Бу борада хорижий инвестициялар рисклар доираси билан чет эл кредитлари рисклари кенглиги фарқланади.

Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

иккинчидан, ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва

бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодийётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техника базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради;

бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳ. к.

Инвестициялар, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳаларини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Жаҳон иқтисодийёти тажрибасидан хориж капиталини, хусусан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш инвестициялашда энг самарали восита эканлиги маълум. Айнан чет эл инвестициялари мамлакатда иқтисодий ва технологик янгилашни жараёнини ҳаракатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Республикамизда инвестицион сиёсатни амалга ошириш мақсадида ҳар йили инвестицион дастур қабул қилинади. Жумладан, иқтисодийётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, устувор тармоқларга инвестициялар киритиш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини жадаллаштириш, модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва шулар асосида республикамиз иқтисодийётини барқарор ва бир маромда ривожлантиришни таъминлашга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги Президент Қарори қабул қилинди¹.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - ўзга мамлакат резидентлари томонидан бошқа мамлакат реал активларига маблағ киритиш, уни тасарруф этиш ва уларнинг ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра акцияларнинг камида 10 фоизига эгаллик қилиш.

Қуйида берилган жадвалда мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларни йиллар бўйича ўзгариш динамикаси келтирилган (1-жадвал).

¹ “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2006 йил 9 октябрь, ПҚ-484 сон.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган ва тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳажмининг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси

Йиллар	Хорижий инвестициялар (млн. АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар (млн. АҚШ доллари)
2001	823,9	96,5
2002	516,5	80,1
2003	602,1	166,7
2004	754,6	333,8
2005	746,6	545,5
2006	895,7	683,8
2007	1009,3	768,4
2008	1700	1258
2009	2856	2264
2010	3635,2	3107,9

* Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси.


Жадвалдан кўришиб турибдики, 2010 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3,6 млрд.АҚШ доллардан кўпроқни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2009 йилдагидан қарийб 800 млн. АҚШ долларга кўп эканини кузатиш мумкин.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард АҚШ долларида ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион АҚШ долларида ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади².

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Қуйида келтирилган расмдан кўриш мумкинки, 2010 йилда иқтисодиётга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар 2009 йилга нисбатан 10,5 фоизга ошган ва унинг катта қисми, яъни 60,1 фоизи нефть-газ тармоғини модернизациялашга, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуришга ва геология қидирув ишларига сарфланган. Агар ушбу кўрсаткич таҳлилини 2005 йилга нисбатан оладиган бўлсак, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар 2010 йилда қарийб беш баробарга кўпайганлигини қайд этиш мумкин (1-расм.).

² Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” Президент И.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Ўзбекистон овози, 2011 йил 22-январь.



1-расм. 2005-2010 йиллар давлат Инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг жалб қилиниш динамикаси, млн. АҚШ доллари.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияни макро-иқтисодий тартибга солишда хорижий инвестициялар оқимининг кўпайиши миллий иқтисодиётнинг ривожланишида малакали кадрлар, аҳолининг ишбилармон қатлами ҳамда олимларнинг қисқа муддатли иқтисодий-илмий лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сармоялардан фойдаланиш эвазига мамлакатда замонавий технология ва нау-хауларнинг яратилиши, янги иқтисодий соҳа ва тармоқларнинг вужудга келиши каби кўплаб иқтисодий ўсишларга ҳам эътибор қаратилмоғи кўзда тутилмоғи даркор.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, автомобиль, кимё, электроника саноатида хорижий инвестицияли корхоналарнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши инвестицияларни қабул қилган мамлакатга янги техника ва технологияларни, маркетинг ва янги бошқарув усуллари кириб келишини таъминлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бошқа хорижий инвестицияларга нисбатан иккита муҳим афзалликка эга:

Биринчидан, улар узоқ муддатли характерга эга, шу сабабли қисқа муддатли капиталларнинг чиқиб кетишини вужудга келтирмайди. Бу эса, жаҳон хўжалик алоқаларининг глобаллашуви ва байналминаллашуви шароитида макроиқтисодиёт барқарорликни сақлаб туриши учун муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўлов мажбуриятларини вужудга келтирмайди ва шундан келиб чиққан ҳолда ташқи қарзларнинг вужудга келиши ёки ошишига олиб келмайди. Бу, айниқса, ташқи қарз жиддий муаммо бўлган мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга. Албатта, бевосита хорижий инвестициялар жалб этиш инвестицияларни қабул қилаётган мамлакатлар учун ҳар доим ҳам фойдали бўлавермайди. Амалиётда кузатилган ҳолатга кўра, инвестициядан самарали фойдаланиш учун инвестиция қабул қилаётган мамлакат ва хорижий инвесторлар манфаатлари бир-бирига мувофиқ келиши лозим.

Инвестицияларни молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- давлат бюджетининг капитал харажатлари;
- корхоналарнинг ўз маблағлари;
- маҳаллий тижорат банклар кредитлари;
- хорижий инвестиция ва кредитлар.

Молиялаштириш манбалари таркибига тўхталадиган бўлсак, 2010 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 7,4 фоиз; чет эл инвестициялари 28,8 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 47,3 фоизни ташкил этган. Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялар таркиби, фоизда

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й. (прогноз)
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6

* Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Ушбу рақамлар 2011 йилда мос равишда давлат бюджети маблағлари 5,1 фоиз; чет эл инвестициялари 25,3 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 49,0 фоиз ва бошқа манбалар 20,6 фоизга тенг бўлиши башорат қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси кўп укладли иқтисодий давлат бўлиб, унда инвестициялар катта роль ўйнайди. Республикада қабул қилинган инвестиция тўғрисидаги қонунда кўрсатилишича, инвестиция иқтисодий самара, фойда, даромад олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағларидир.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодийтимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат.

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади³.

³ Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” Президент И.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Бу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир.

Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Хорижий инвестициялар киритилишидан асосий мақсад ишлаб чиқарилган товарларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, истеъмолчиларни жаҳон талабларига мос келадиган товарлар билан таъминлашдир.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва ривожлантиришда ташқи иқтисодий омиллардан самарали фойдаланишга эришиш учун қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда ички муҳитни яхшилаш, солиқ юқини камайтириш ва солиқ тизимини соддалаштириш, хорижий инвестицияларни рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш.

2. Хорижий сармоядорни қизиқтирувчи соҳалар, объектларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги маълумотлар мажмуини шакллантириш, бизнес режалар ва уларни иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган соҳаларга чет эл капиталини жалб қилиш.

3. Экспортда қайта ишланган, тайёр маҳсулотлар салмоғини кўпайтириш, айниқса, пахта ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлашни ошириш ва бу соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш.

4. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш учун йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари билан самарали алоқасини таъминлаш зарур, яъни йирик корхоналарга ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмларни етказиб берувчилари бўлишлари зарур.

5. Чет эл инвесторлари учун қулай инвестицион муҳитни яратиб бериш ва улар учун кафолатли қонунчилик тизимини такомиллаштириш;

6. Экспортга ишлайдиган кичик ва ўрта корхоналарни кўпайтириш ва уларни самарали фаолият юритишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш ва давлат томонидан имтиёзли кредит линиялари ҳажмини ошириш ва ҳ.к.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озик-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда.

Бу имтиёзларни беришдан мақсад - ҳорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш орқали иқтисодиётимизнинг реал сектори салоҳиятини ошириш, юртимиз ҳудудларида янги, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, янги иш ўринларини кўпайтириш, пировард натижада мамлакатимизни барқарор ва мутаносиб тарзда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришдир.